БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 21 февраль
Чоршанба
№ 36 (13. 472).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

СЪЕЗД МИНБАРИГА

Мамлакатимиз комсомоллари ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолгуси ВЛКСМ XXI съезди очиладиган кунга ҳам қариб бир ярим ой вақт қолди. Ватанимиз турли бурчакларидан келадиган делегатлар 11 апрель куни Москвада, комсомолнинг тақдирини ҳал этиш учун йиғиладилар. Комсомол ўз бошидан чуқур инқирозни кечираётган бир пайтда бу анжуманнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Съездга, унга бўлган қизиқиш ҳам катта. Шуни ҳисобга олиб биз «Агар мен комсомол ходими бўлсам» деган янги ойнасўз очишга қарор қилдик. Унда барча ВЛКСМ аъзоларининг, комсомол ходимларининг комсомол, унинг тақдири хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ёритиш ниятимиздир. Биринчи сўз Самарқанд ва Бухоро вилоятлари бўйича ўз мухбиримиз Гули Чеҳрага.

Агар мен комсомол ходими бўлсам

Бўғзимга нимадир тиқилиб қолгандай. «Оҳ»лар чексам-да, фойдасиздай. Бир уй аёлман, ичаман, деган болалар ва ночор бобони кўргандан бери. Она — вафот этган. Икки қиз узатилган. Уйда овқат пиширадиган инсон йўқ. Оилада бобогина кексалик нафақаси олар экан. Икки ўғил — келбатли, соғлом, қадамидан ўт чақнаса-да, ишлашни истамаса-да — ишсиз. Ночор кишиларга ҳамманинг ҳам раҳми келавермайди. Ҳозирги замонда кўнгилчанлик қилиш ҳам ноёб фазилат бўлиб қолди.

Комсомол котибасига беихтиёр дилимни «ёрдим»:

— Қизлар билан бориб уйларини тозалаб берсаларингиз бўлмайдими? Овқатига ҳам кўмаклашиб турсаларингиз бўларди.

Колхоз комсомол котибаси иккиланганини яшириб ўтирмади:

— Бўлади. Лекин одамлар нима дейди? Фалончининг қизи фалончининг уйини тозалаб, овқатини пишириб бериб юрибди. Бир балоси борми, дейишмайдими? Қишлоқчилик...

Одамгарчиликнинг турлари пайдо бўлибдими — «қишлоқча», «шаҳарча» деган. Аслида одамгарчилик деб аталмиш инсоний фазилат билан билиб-билмай хайрлашиб қўйганимизга ҳам анча бўлди-ёв...

Ушбу комсомол котибаси ўрнида бўлганимда нима қилардим? Бу саволга жавобни билмаганимда ушбу гапларни ёзганимдан не наф?

Аслида биз нима учун «куйиб-пишиб» ишлаймиз. Ўзимизча нималаргадир «елиб-югурамиз». Ҳаммамиз инсонлармиз-ку. Тоифага, лавозимга қараб муносабатда бўлмоқ нимага керак? Бу нима деган ўзи? Уруғ-уруғ бўлиб яшаган боболаримиз вақти келиб эваралари қўшнисининг кимлигини билмаслигини этти ухлаб тушларида ҳам кўришмаганлар.

Биз ҳар куни, ҳар соатда бир-биримизга рўбарў келиб, бирга ишлаб юрсак-да, ёнимиздаги инсоннинг нималар билан яшаётганини билмаймиз. Кошона саройдек ҳовлида яшаб, уйсиз — ижарада яшовчи кишидан алланималарни талаб қиламиз. Унинг ишдан кейинги ҳаёти, ҳолати ҳеч кимни қизиқтирмайди. «Бу бизнинг хизмат вазифамизга кирмайди» деб ўзимизни овунтирамиз. Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортадиган ажаб замона бўлди-да.

Дарвоқе, мавзудан чекиндим, шекилли. Аслида хўжа айбимиз ана ўшанда — чегарадан чиқиб кетмасликка тиришамиз, бир қолипда яшаймиз ва ишлаймиз. Вақти келганда чегарада гапирамиз.

Алқисса, агар мен комсомол ходими бўлсам нима қилардим.

— Маош олишдан бош тортардим.

Бажараётган юмушим олаётган ҳақимга мос эмаслигидан.

Комсомол ҳақида кун сайин «зардали» гаплар айтилмоқда. Лекин борган сари уларнинг пешонаси силлиқланмоқда. Хизмат ҳақлари ошмоқда. Лекин қайси оширилган хизматлари учун? Яқинда бир саркотиб айтган эди. Фаолияти ишлари йўқ...

Ундай бўлса нимага, бир лавозимга бир хилда эмас, ҳар хил ҳақ тўланади?

Яқинда қатор ноҳия комсомол қўмиталари ходимлари ўртасида сўров ўтказдим. «Ноҳия комсомол қўмитаси бўлмаса нималар ўзгаради?» деган мавзуда. Саволга жавоб берганлар:

— Ёшлар бебош бўлиб кетади, дейишди. Аслида ҳозир ҳам бебош болалар ноёб фазилатли инсонларга айланиб бормоқда.

— Ёшларнинг ишониб, ҳадди сиғиб келадиган жойлари бекилиши мумкин эмас, дейишди.

Лекин ёшлар «ишониб, ҳадди сиғиб» келадиган жойларида муаммолари ҳал бўлмай, қайтиб кетишади.

Аҳир иш сўраб келишса — комсомолдагилар иш топиб бера олишмайди.

Шикоят билан келишса — айбдорни жазолай олишмайди.

Ҳеч бир ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган комсомол ходими бўлиш — азоб-ку.

Яқинда Пахтачи ноҳияси комсомол қўмитасининг НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ўтказилган бюро йиғилишида қатнашиб қолдим. Ўша ташкилий шўъба мудири Шамил Воҳидов:

— Комсомол ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтар экан, пулли тадбирларни кўпроқ ўтказишимиз керак. Фақат бадал ишлаб бўладими? — деган бир «ақлли» гап айтди бюро йиғилишида. Бошқалар жимгина унинг сўзларини тинглашди.

Ҳарқалай, мен фақат «ақлли» учун комсомол ходими бўлмас эдим.

Навбатдан ташқари, кечиктириб бўлмайдиган бюро йиғилишида қандай масалалар кўрилиши мен учун жумбоқ эди. Кейин билсам, КПСС сафига номзодликка ўтувчиларга тавсиянома бериш, «Қувноқлар ва зукколар» конкурсини ўз вақтида ўтмай қолганлигини аниқлаш масаласи экан.

Кимга қандай? Ҳарқалай комсомол ходими аввало бюро қарорини билиши кераккa ўхшамайдими? Аҳир КПСС сафига номзодликка ўтиш «кечиктириб бўлмайдиган» масала эмас-ку. Қолаверса, ўша куни номзодликка тавсиянома олгани келганлар кўпчилик эди. Ҳали бунга умуман тайёр бўлмаганликлари учун қайтариб юборилди.

Ваъда бериб, бажаролмаслигини билиб туриб ваъда беришни шиор қилганлар комсомолни қадрсизлантирди.

Ҳарнечук, мен комсомол ходими бўлмас эканман:

— Аҳир маошсиз ишлай, яшай олмайман-да.

— Бажаролмаслигимни билиб туриб ваъда бералмайман-да.

— Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмай кун ўтказа олмайман-да.

Кутдим, сўрадим, суриштирдим, аммо эшитмадим:

— Комсомол ходими номини оқлолмадим. Ишдан бўшатишларингизни сўрайман, — деган бирорта мард инсонни.

Ҳозир комсомолни юқори мансабларга кўтарилиш пиллапояси ақидаси эскирди, деган гапларни эшитиб қоламан. Мен бу фикрга қўшилолмайман. Бу ўрганган кўнгил ўртанса қўймас.

Ҳамма ишни (агар иш бор бўлса) бошланғичлар қилади. Шунинг учун асосий эътибор уларга бўлиши керак. Шунинг учун бир киши бўлиб, унинг устидан назорат қилувчилар ўнта бўлса-да, хулоса ўша — битта бажарувчининг фаолиятига қараб чиқарилади. Бу инкор қилинмайдиган ҳақиқат-ку.


Редакция ижодкорларининг йиғилишида рўзномамизда янги ойнасўз очиш фикри туғилди.

«Мен агар комсомол ходими бўлсам» ойнасўзини очамиз.

Биринчи мақолани тайёрлаш менинг зиммамга тушди. Мана, бир неча кундан бери комсомол ходими «бўлволиб» овораман, «Бўлганимда» эса, бир фикр хаёлимга келаверади:

— Комсомол ходими бўлмас эканман. Чунки...

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Олтинкўл трикотаж матолар фабрикасида меҳнат қилаётганларнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ғайрати туфайли корхонада иш унумдорлиги кун сайин ортиб, маҳсулот сифати яхшиланиб бормоқда. Фабрика иситиш бўлимининг слесари Муҳиддин Мелиев ана шундай фидойилардан биридир. Ишчан йигит, фаол жамоатчи Муҳиддин кабиларнинг тадбиркорлиги боис корхонада йилига 3000 тоннадан зиёд трикотаж матолар тўқилиб, истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси М. Мелиев.

Аъзамжон МИРЗАЖОН сурати.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. С. ВИКТОРЕНКОНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатгани учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Александр Степанович **Викторенко Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Советининг Раиси **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль
1990 йил 19 февраль.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ А. А. СЕРЕБРОВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширгани ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатгани учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Александр Александрович **Серебров Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Советининг раиси. **М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль
1990 йил 19 февраль.

Қайта қуришнинг миллий жиҳатлари

Бир ёқадан бош чиқариб...

Тошкентда миллатлараро муносабатлар жумҳурият маркази тузилди. Марказ ҳукумат қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳузурида ташкил этилди ва у миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб туриши керак.

— Ҳар бир халқ ўз маданияти ва тилини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш имкониятига эга бўлиши лозим, — дейди миллатлараро муносабатлар марказининг директори Ш. Н. Шарипов. — Ўз она тилида алоқа қилинаётганида юзага келадиган ҳамжиҳатлик алоҳида аҳамиятга эга эканлиги сир эмас. Тил шундай руҳий муштаракликни, шундай нозик ўзаро алоқани, диллар яқинлигини вужудга келтирадики, бундай муҳит бошқа ҳеч қандай йўсинда пайдо бўла олмайди. Сўнгги вақтда пайдо бўлган миллий маданият марказларининг программ ҳужжатларида она тилини ўрганишга кўмаклашиш хусусидаги банд асосий вазифалардан бири сифатида ёзиб қўйилганлиги тасодифий эмас.

— Ўзингиз яқинда бош бўлган ташкилотнинг вазифалари тўғрисида, тузилган миллий-маданий марказларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида унинг аҳамияти қандайлиги тўғрисида гапириб берсангиз.

— Мақсадимиз камсонли халқлар вакиллари маданиятини ривожлантиришга кўмаклашишдир. Ҳозир Тошкентда саккизта маданият маркази ишлаб турибди. Тошкент вилоятида ва жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида бундай марказлар анчагина. Миллатлараро муносабатларнинг бошқа бир шакли — байналмилал марказлар ҳам кенг оммалашмоқда. Маданий марказларнинг пайдо бўлиши — ленинча миллий сиёсатнинг амалда бажарилиши бўлиб, бу Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида режалаштирилган, КПССнинг миллий масалалар ҳаракат дастурида белгилаб берилган. Айтмоқчи, Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида ҳам мазкур муаммога эътибор берилади.

— Марказларнинг тузилиши — ҳали барча масалаларнинг ҳал этилиши деган гап эмас, бундай марказларни рўйхатдан ўтказиш чўзиб юборилаётганлиги, кўп илтимосларни, жумладан, у ёки бу тилни болалар боғчаларида ўргатиш группаларини, синфларни очиш, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар тайёрлаш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқишга тўраларча ёндашилаётганлигига кўп мисоллар келтириш мумкин.

— Афсуски, сансалорлик одамларда ишончсизлик уйғотади. Улар иложи борича тезроқ натижага эришишни хоҳлайдилар, лекин кўпинча «сабр қилинг, кўриб чиқамиз», деб жавоб беришади. Жумҳурият маркази кўп масалалар тезроқ ҳал этилишига ёрдам бериш ниятидадир. Бизда 10 киши ишлайди. Ташкилий-методик, миллий тиллар, миллий маданиятлар, урф-одатлар ва маросимлар бўлимлари тузилмоқда.

«Жумҳурият маркази қаерда жойлашган?» деган саволимизга Шавкат Назирович мавҳумроқ жавоб берди: «Ҳозирча СССР халқлар дўстлиги музейи биносида жойлашсак керак. Афтидан, унинг бир қаноти бизга бериладиганга ўхшайди». Агар кўп марказлар миллий байрамлар, концертлар, миллий таом кунларини ўтказишни режалаштириб қўйганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ернинг торлик қилиб қолиши турган гап. Музейнинг чоғроқ биносида ҳаммани ҳам жойлаштириб бўлармикин? Зотан, матбуотда қурилиши тўхтатиб қўйилган «Осиё» ресторани биносини миллий-маданий марказларга бериш тўғрисидаги масала неча бор кўтарилган эди. Яна бир масала кўндаланг бўлмоқда. Марказ Маданият министрлиги ҳузурида тузилган. Лекин ушбу министрлик марказ режалаштираётган барча хайрли ишларни рўёбга чиқаришга қурби етармикан? Чунки министрликнинг моддий базаси унча бой эмаслиги маълум-ку.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Коммунистлар билан мулоқотлар

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Совети ижроия қўмитасининг раиси Тошбўри Раҳимович ҚИЛИЧЕВ билан мусоҳиба

«ҚАДР ТОПМОҚЧИ БЎЛСАНГ, ХАЛҚИНГ ҚАДРИН БИЛ»

— Тошбўри ака, мана ушбу лавозимга сайланганингизга ҳам ярим йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Бу бир қарашда оз фурсат бўлса-да, эл тилини биладиган киши учун катта ишлар бошланмасини ҳал қила оладиган давр деб ўйлаймиз. Гапнинг индаллоси вилоятдаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволга коммунист сифатида қандай баҳо берасиз?

— Мен энди вилоятдаги аҳволга оддий коммунист сифатида баҳо берибгина қолмай, балки унинг тақдири учун ўзимни бевосита масъул киши деб ҳам биламан. Келинг, суҳбатимиз фақат олдиқочди гаплардан иборат бўлмаслиги учун, баъзи бир рақамларни келтиришдан бошлайлик.

Ҳозир вилоятдаги 93 та саноат корхонаси тўла хўжалик ҳисобида маҳсулот тайёрлаяпти. Улардан учтаси ижара пудратига ўтган. Йил якунлари бўйича бирмунча ижобий ўзгаришлар бўлди. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми 1989 йилдагига қараганда 1,5 фоизга ўсди. Режалардагидан ташқари ўн миллион сўмлик халқ истеъмол маҳсулотлари тайёрланди. Ҳозир 54 хилдаги маҳсулот Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаяпти. Лекин барибир, бугун кишиларда изчиллик етишмаётганлиги яққол сезилмоқда. Оддий ишчилардан тортиб то раҳбаргача қайта қуриш жараёнига фаол киришиб кетиши учун журъат камлик қилмоқда. Ҳозир албатта, қизил гаплар даври эмас. Бугунги газетхон ҳам бошқача. Омон Матжон таъбири билан айтганда, «аввалгиларга ўхшамас». Шундай экан, ютуқлар соясида талай камчиликлар ҳам қалашиб ётганини айтмоқчиман.

Вилоятдаги саноат корхоналарининг кўпчилиги шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш режасини уддалай олмаяпти. Биргина 1989 йилнинг ўзида 34 та давлат буюртмасидан 9 таси бажарилмади. 29 та бирлашма ва корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. 18 та корхона эса ўз маҳсулотлари эвазига фойда олиш имкониятидан маҳрум бўлди. Тўғрироғи бу ишни эплай олмади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасида ҳам камчиликлар талайгина. Кишилар транспорт, тиббиёт, алоқа, «тез ёрдам» ва бошқа турдаги маиший хизматлардан норози. Айниқса, қишлоқ жойларида бу эътирозлар кучли. Биз шу пайтгача шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотишга зўр бериб келибмизу, одамлардаги муносабат, уларнинг моддий манфаатдорлигига эътибор бермабмиз, чоғи. Ҳамма бало ана шу сўз билан ишда бирлик йўқлигида.

Менимча, вилоятда бу борада озми-кўп иш қилинди. Ҳозиргача шаҳар ва ноҳия ижроқўмларининг қарорига биноан кишиларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 3 минг 688 гектар ер ёки 28 минг ер участкаси берилди. 20 мингга яқин оила алоҳида ер участкасига эга бўлди. Лекин ҳали шу масала билан ижроқўм эшиги тирқишидан рухсат сўраб, нажот кутиб турган кишилар қадами ариганича йўқ. 10 мингга яқин киши уй-жой қуриш учун ер олишга навбатда турибди. Уларнинг асосий қисми шаҳар ва ноҳия марказларида яшовчи аҳолидир. Вилоятимизнинг барча деҳқонлари ҳам ҳали томорқа учун ер ололганлари йўқ. Кўриб турибсиз халқ биздан фақат ер сўраяпти. Қачонлардир улардан чегириб олинган ерни сўраяпти.

— Демак, вилоятда қайта қуриш кўнгилдагидек эмас экан-да?

— Менга қолса саволни бошқачароқ тузардим. Шахсан мен вилоятда ушбу инқилобий жараён тобора ҳаётга чуқурроқ кириб бораётганлигининг гувоҳи бўлаяпман. Ҳар куни ўнлаб кишилар билан суҳбатлашаман. Улар фикри ана шундан далолат бермоқда. Энг асосийси бугун биз кишиларни ошкора гапиришга ўргата олдик. Андишали халқимизни шиддаткор, ташаббускор бўлишга чақиришнинг ўзиёқ қайта қуриш жараёнига қўшила олаётганимиздан дарак беради.

Ҳозир энг асосий вазифамиз ерни деҳқонларга қайтариш. Яқинда газеталарингиз саҳифасидан Ф. Рўзиев деган иқтисодчининг мақоласини ўқиб қолдим. Жуда куюниб айтилган гаплар. Ҳақиқатдан ҳам деҳқоннинг косаси оқарадими ёки йўқми? — деган саволга аниқ жавоб бериш вақти келди. Ана шу косанинг оқариши ерга деҳқоннинг эгалик қилишига боғлиқдир.

Эсимда, бундан 10 йиллар олдин шундай қарор ҳам чиқаришганди. Қайсики маълум миқдордаги оилавий ча томорқа ерларини пахта майдонларига қўшиш, боғларни пахтазорга айлантириш тўғрисида. Хуллас, ҳаммаёқ пахтазор бўлиши керак эди. Шундай қилинди ҳам. Ана шулар ҳисобига бугун деҳқон дастурхонида барака йўқ.

— Бугун бундан 72 йил муқаддам халқ ҳукмига ҳавола этилган ўша машҳур «Бутун ҳокимият — Советларга!» деган чақириқ йиғинларда, кўча-кўйларда яққол кўзга ташланиб қолди. Бу ҳам бўлса яқинда беш ёшга тўладиган инқилобий ўзгариш шабадаси тобора кучлироқ эсаётганидан дарак. Сиз нима деб ўйлайсиз. Ҳокимият Советлар қўлига қачон ўтади? Ёки бу ҳам қуруқ гапми?

— Йўқ, нега энди! Аввалambор қуруқ гап бўлмаслиги чақириқлар кўча-кўйдаги алвон ранг материалларда қолиб кетмаслиги учун Советлар ўзини англаб олмоғи лозим. Ҳозир энг чуқур илдиз отган қоғозбозлик ва бюрократик иллатидан халос бўлиши керак. Лекин минг афсуски, бунинг учун фақат истакнинг ўзи камлик қилади. Менимча, юқоридаги халқпарвар шиорни олға сурган инсон улуғ доҳий асарларига кўпроқ мурожаат этиши керак. Бюрократия ҳозир ишимизни олға кетиши учун, инқилобий жараён тезроқ ғалаба қилиши учун тўсқинлик қилаётган асосий кучдир. Бошқарув услубимизнинг ўзи мураккаб. Биз корхона ва хўжаликларга тўлиқ мустақиллик берамиз, деб минбарлардан ваъз айтаяпмиз-у, очиғи бу ишни уддасидан чиқолмаяпмиз. Сабаби оддий бир хўжалик раҳбари энг кам деганда 10 та идорага ҳисоб бериши керак. Юқоридаги мақола автори бекорга «Пром»ни қораламаган. Ваъзан дурустроқ иншоот қуриш учун жумҳурият Нозирлар кенгашигача бориш керак бўлади. Агар рухсат олсангиз-ку, хўп-хўп. Иккинчи сабаби — юқори ташкилотлар ходимларининг мижозига сингиб кетган дунёқараш. Сиёсий хато қилиб қўймасмиканман, деб ҳадиксираш балоси.

Юқорида таъкидлаганимдек, бошқарув ташкилотлари ниҳоятда кўп. Биргина вилоятимиздаги корхона ва хўжаликларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини назорат қилувчи 40 та идора бор экан. Уларда 600 нафар киши ишлайди ва маош олади. Иш ҳақининг ўзига бир ярим миллион сўм сарфланади. Милиция ва халқ назорати ташкилотлари бундан мустасно, албатта. Биргина оддий халқ эмас, балки раҳбарларнинг ўзи ҳам ана шу бюрократиядан азият чекаётир. Кишилар қоғозбозликни қоралашади. Лекин, менимча, бу иллатдан ҳали-бери қутилолмасак керак. Чунки Советлар ишида ҳар йили ҳар хил таҳлиллар, режалаштириш лойиҳалари керагидан ортиқча. Жойлардан тегишли фикрларни жамлашга, рақамлар тайёрлашга мажбурмиз. Гапнинг пўсткалласи ҳокимият тўлиқ Советлар қўлига ўтиши учун энг аввало унинг ўзи ана шундай иллатлардан қутилмоғи лозим.

— Бундан юз йиллар муқаддам Самарқанд ҳақида гап кетганда кишилар кўз-ўнгида кўпроқ қадимий, афсонавий, лекин доимо навқирон мавзе гавдаланган. Лекин бугун Мовароуннаҳрда тамоман бошқа бир манзара. Мақбара ва миноралари нурай бошлаган шаҳар, тобора қуриб бораётган икки дарё. Эшиги олдигача пахтазорга айланган уйлар...

— Ҳа, бу сўзлар қанчалик аччиқ бўлмасин, рад этолмайман. Менимча, аждодлар руҳини барҳаёт сезиш учун энг аввало улар меросига ҳурмат билан муносабатда бўлмоқ лозим. Оддий бир мисол, оилада ота вафот этсаю, ундан қолган мерос фарзандлар ўртасида оқилона тақсим бўлгани маъқулми, ёки талашиб-тортишиб эл-улусга шарманда бўлган маъқулми?

— Биринчиси маъқулроқ.

— Ҳа, яшанг. Жамият ҳам ана шу кичик оиладек гап. Афсуски, инқилобдан кейин аждодларимиз ўз ота-боболари меросига меҳр кўзи билан эмас, балки қандайдир шафқатсизлик тушунчалари билан муносабатда бўлдилар. Шу сабабли ҳам Самарқанд манзараси бугунги аҳволга келиб қолди. Агар очиқ айтадиган бўлсак, шаҳарга жон куйдирадиган, унинг муқаддаслигини ҳис қила оладиган кишилар жуда кам. Таъмирлаш ишлари ниҳоятда суст кетаяпти. Қилинаётган ишлар ҳам виждонан амалга оширилмаяпти. Кўзбўямачилик кўп. Тарихий меросга муносабат тушунчаси етишмаяпти бизда.

Қолаверса, тарихий шаҳар ўз кўркини хорижий сайёҳларга кўз-кўз қилаяпти-ю, ана шу сайёҳлар келиб кетишидан тушаётган миллион-миллион сўмдан бебаҳра қолмоқда. Бу оддий қилиб айтганда адолатсизлик эмасми? Сиз бозорга маҳсулот олиб чиқсангиз-у, харидор унинг пулини сизга эмас, бозорқўмга бериб кетса. Алам қилса керак. Менимча, Самарқандда СССР Ташқи савдо банкининг бўлимини очиш керак. Сайёҳлардан тушадиган маблағнинг

(Давоми 2-бетда).

(Боши 1-бетда).

ҳеч бўлмаганда 50 фоизи ана шу ҳисобда қолдирилсин. Шундагина ҳар йили шаҳардаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва шаҳарни ободонлаштиришга ажратилаётган, лекин доимо етмаётган икки ярим миллион сўм маблағнинг камини тўлдирар эди. Бугун Бибихоним масжиди хунук аҳволда, Темур даврида бунёд этилган Аштхона хароба ҳолда, Регистон майдонидаги ансамбллар шўрлаб бораяпти. Хўжан Ҳизир масжиди биноси қаровсиз. Буларнинг бари аждодлар юзига оёқ босиш билан баробар. Шунинг учун ҳам улар руҳи барҳаётлигини сезмаяпмиз.

Биз шу пайтгача Темурни золим подшо, босқинчи саркарда сифатида қораладик. Тўғрироғи шундай қоралашларга ишондик ва чидаб келдик. Лекин Европанинг энг маданиятли мамлакатларида Темур ҳақида фақат ҳурмат билан муносабат билдирилади. Унинг зукколигига тан беришган. Биз золим, босқинчи деб таниган бобомиз шаҳар атрофида 14 та боғ бунёд этган эканлар. (Балки бундан ҳам кўпдир). Мана уларнинг номлари: «Боғи нақши жаҳон», «Боғи беҳишт», «Амирзода Шоҳруҳ боғи», «Боғи дилкушо», «Боғи Зоғон» (яъни қушлар боғи), «Боғи Баланд», «Боғи Чинор», «Боғи нав» (янги боғ), «Боғи жаҳоннома», «Боғи майдон», «Чиннихона боғи». Қолган учтаси ҳозирча номаълум. Агар ҳақиқат юзасидан бир ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу 14 та боғдан ўзига яраша мева-чева териб олинган. Биз тарих китобларидан ўқиган халқнинг боғидаги ҳосилини тортиб олишга ҳам ҳожат қолмаган кўринади. Чунки, 14 та боғ ҳосили нафақат саройни, балки шаҳарни ҳам таъминлашга етарли мева берган.

Вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмоновнинг шахсий ташаббуси билан ана шу боғларни қайта тиклашга киришдик. Агар бу ишни хайрли туғаллсак, келажакда шаҳарни халқа боғлар ўраб туради. Бундан ташқари Зарафшон дарёсининг вилоят ҳудудига кирадиган қисмидаги икки қирғоғини ҳам дарахтзор боғ қилмоқчимиз.

Иккала дарёнинг қурий бошлаши бутун вилоят аҳолисини ташвишлантирмоқда. Унинг қирғоқлари мавжли тўлқинлардан айри тушганига анча бўлди. Саноат чиқиндилари билан дарё сувини ифлос қилиш одатидан ҳам қутила олмаяпмиз. Менимча, бунинг учун биргина жазо кўриш, жарима солиш, саноқсиз қарорлар чиқариш билан иш битмайди.

Ўтмишда халқимиз диёнатли бўлган. Эсимда, болалигимда момом раҳматлик насиҳат қилардилар. «Болам сувга тупурма, у худонинг юзи, увол бўлади,» деб. Биз увол сўзини ишлатиш у ёқда турсин, уни эслашдан ҳам қўрқиб қолдик. Халқимизнинг маънавий тушунчаси шунчалик тубанлашиб кетдики, бугунги авлод увол-савоб деганда фақат илоҳий ишларни тасаввур қиладиган бўлиб қолди.

— Тошбўри ака, назаримизда, Сизни дардли саволларга кўмиб ташладик шекилли?

— Асло. Мен мухбирлар билан қанча кўп гаплашмай, чарчамайман. Чунки улар одамни тинглай билишади.

— Ҳар қалай мавзуни сал бошқа тарафга бурмоқчи эдик. Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумига оддий бош чўпон Т. Акматов раис этиб сайланганлигидан хабарингиз бор. Сизни ҳам кўп жойда чўпондан чиққан раҳбар дейишади. Умуман Сиз раҳбар танлашнинг бу усулига қандай қарайсиз?

— Раҳбардаги энг олий фазилат — бу камтарлик ва халқпарварлик. Бу фазилатга эришиш учун одам аввало мбор оддий бўлмоғи лозим. Раҳбар доимо халқ билан очиқчасига гаплашиши керак. Чунки халқ расмиятчиликни ёқтирмайди. Қирғизистон президенти масаласига келсак, Тоштанбек оға билан 1989 йилнинг ёзида Фрунзеда бўлган кенгашда суҳбатлашиб қолдим. Олий маълумотли зоотехник экан. Қайнаб турибди. Ғайрати зўр. Анча сўзамол ҳам экан. Менимча, бундай усулда раҳбар танлашнинг ўзиёқ қайта қуришнинг энг катта имконияти. Чунки ана шундай кишилар халққа кўпроқ қайишади. Агар айниб кетмаса.

Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, тўғри, чўпон фарзандиман. Бутун меҳнат фаолиятим чорвачилик билан боғланган. Ёшлигим сурув кетида ўтди. Отамни Раҳим бобо дердилар. У киши бир неча йил аввал вафот этганлар. Умрининг охиригача чўпонлик қилди, раҳматлик. 12 ёшидан бошлаб шу ишни касб қилган эканлар. Кўп йиллар Қашқадарёдаги «Қорақум» совхозида чўпонлик қилдилар.

— Ота касбингиз Сизни безовта қилмайдими? Ҳар қалай тор хона, юмшоқ ўриндиқ билан поёнсиз яйловларнинг фарқи бор-да? Дилтортар гаштлари бор.

— Тўғри, «Чўпонлик айб эмас болам. Киши ҳаққига хиёнат қилиш айб, ҳалолни ҳаромдан фарқлай билмаслик айб. Бировга ноҳақ зуғум ўтказиш айб», дердилар отам. Албатта ота касбим безовта қилади. Чунки юқорида айтганимдек, ҳаётимнинг асосий қисми яйлов билан боғлиқ бўлди. Ёшлигимда отамга қарашдим. Институтни битиргач, вилоят қоракўлчилик трестида ишладим. Қоракўлчиликка ихтисослашган ноҳия партия қўмитасини бошқардим. Хуллас, саккиз ойдан буён камроқ яйлов кезаяпман. Барибир дилторлар гаштлари бор яйловни.

— «Катта давра»га қандай қилиб тушиб қолдингиз?

— Саволингизда киноя оҳанги борлиги яхши. Киши зерикмайди. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битириб «Қарноб» давлат наслчилик заводида зоотехник бўлиб ишлаётгандим. Марҳум В. Н. Қодиров ўшанда обкомнинг биринчи котиби эди. У кишидан «катталар» ниҳоятда қўрқишарди. Ҳатто баъзи бир хўжалик раҳбарлари иложи борича Владимир Николаевичга кўринмасликка ҳаракат қилиб, қочиб юришарди. Аввалига мен у кишини жоҳил бўлса керак, деб ўйладим. Кейин билсам Қодиров ношуд, эркин фикрлай олмайдиган, ишёқмас, ёлғончи, ваъдабоз раҳбарларни ёқтирмас экан. Хуллас, совхозга Қодиров келадиган бўлди. Буни қарангки, йўлда менга дуч келиб қолса бўладими? Анча суҳбатлашдик, оддий, камтар киши экан. Касбимни сўради. Қоракўлчилик муаммоларини қандай қилиб ечиш мумкинлиги ҳақида фикримни билди. Машинага чиқаётиб «Уч кундан кейин Нуротада йиғилиш бўлади. Ҳозирги гапларингизни у ерда ҳаммага айтиб берасиз. Тайёргарлик кўринг», деб кетдилар. Мажлисда сўзга чиқдим. Йиғилишдан кейин Владимир Николаевич ноҳия партия қўмитасининг биринчи котибига юзланиб мени асосий кадрлар рўйхатига киритиб қўйишни тайинладилар. Шу орада Қодиров вафот этдилар. Кўп ўтмай «Ленинчи чорвадор» совхозига директор этиб тайинладим. Очиғини айтсам шу совхоз аҳлидан кўп миннатдорман. Юлдузи-юлдузига тўғри келди, деганлари шу бўлса керак. Ҳозиргача Қарнобота қишлоғи аҳли билан борди-келди қиламан.

Совхоз директорлигидан вилоят қоракўлчилик трестига раҳбар бўлиб келдим. Кейин вилоят партия қўмитаси қишлоқ хўжалик бўлимида ишладим. 1985 йилда Советобод ноҳия партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайландим. Хуллас, туз-насиба экан яна шаҳарга келиб қолдим.

— Сир бўлмаса айтинг-чи, раҳбарликнинг қайси фазилати Сиз учун қадрли ҳисобланади?

— Одамларга яхшилик қила билиш. «Қобуснома»дан қуйидаги жумлани ўқиб бермоқчиман.

— Марҳамат.

— «Эй фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилмоқни тарк этмагил, ҳамма яхшиликни ҳалойиққа кўргузгил ва асло унинг аксини кўргузмагил, бошқа тил билан сўзламагил».

Ахир халқ сайлаб қўйган одам учун бундан ҳам ортиқ ўгит бўлиши мумкинми?

— Қоракўлчилик трестида ишлаган пайтда ёки ана шу соҳага ихтисослашган Советобод ноҳия партия қўмитасини бошқарган кезларингизда қоракўлнинг жаҳон бозоридаги обрўйини қайта тиклаш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Албатта. Ўзининг эртанги кунини, ейдиган нонини қандай тайёрланишини ўйламайдиган деҳқон бўлмаса керак. Чорвачиликни бугунги аҳволи ҳақида батафсил тўхталиб ўтирмайман. Чунки бу ҳақда катта йиғинларда жуда кўп гапирилди. Менимча, биз қоракўлчиликни ривожлантиришда нотўғри йўл танладик. Айрим хўжаликлар наслчилик билан мутлақо шуғулланмай қўйишди. СЖК ҳам қоракўл шуҳратини пасайтиришга асосий сабаб бўлди. Албатта айтишингиз мумкин. Ўша пайтда нега қараб турдингиз деб. У даврлар мутлақо бошқа эди. Яхши кунларни орзу қилишнинг ўзи катта бахт эди. Баъзи эски чўпонларимиз ҳозир ҳам СЖКга қайтиш керак дейишмоқда. Вилоятимизда 809 минг 143 бош қўй,

2

«ҚАДР ТОПМОҚЧИ БЎЛСАНГ, ХАЛҚИНГ ҚАДРИН БИЛ»

эчки бор. Шунинг 446 минг 291 боши совлиқ. Ҳозир биз биринчи навбатда тери сифатини яхшилашга эътибор беришимиз лозим. Бунинг учун энг аввало чўпонга эркинлик бериш керак. Яйловларни кўпайтириш, тоғли яйловларга сурув чиқариш учун шароит яратиш лозим. Ҳозир вилоятдаги 22 та қоракўлчилик совхозининг 7 таси наслчилик билан шуғулланаяпти. Ўтган икки-уч йил ичида қоракўл сифатини бироз бўлса-да яхшилашга эришдик. 1989 йилда режалаштирилган 169 минг ўрнига 187 минг 500 дона қоракўл тери тайёрланди. Ҳар бир дона қоракўл учун 33 сўм 50 тийин ҳақ тўланди. Бир пайтлар Ўзбекистон қоракўлининг ҳар бир донаси жаҳон бозорида 50 сўмга чиққанлигини эслайдиган бўлсак, унинг шуҳратини қайта тиклаш учун фақат ўйлаш эмас, балки ишлаш керак бўлади.

— Ёшларни ота касбини тарк этаётганлигига чўпоннинг турмуш шароити ҳамон ибтидоий аҳволда қолаётганлиги, унинг устидан назоратчилар кўпайиб бораётганлигида эмасмикан? Менимча, бу борада комсомол ҳам дадил ташаббус кўрсатмаяпти. Ёшларимизнинг икки қўли боғловлик ҳолда «хўп» деб туришига жойлардаги партия ва совет ташкилотларида тарки одат амри маҳол бўлиб қолган буйруқбозликнинг устунлиги эмасми?

— Ёшларимиздан нолиш ножоиз. Негаки, бизнинг ўзимиз, яъни катталар уларни бошқара олмаяпмиз. Ўз ортимиздан эргаштира билмаяпмиз, холос. Ҳозирги ёшлардан жуда кўп нарсаларни кутиш мумкин. Ўзбек тилига давлат мақоми берилишида ҳам улар жуда катта фаоллик кўрсатишди. Буни тўғри баҳолай билиш керак.

Ҳақиқатан кейинги йилларда ёшларимиздан чўпонлар кам чиқаяпти. Бунга ҳам ўзимиз айбдор. Чўпонларнинг ҳаёт шароитига кам эътибор бераяпмиз. Мана биргина Советобод ноҳиясини олайлик. Ноҳия марказидан 100 километр узоқликда бўлган отарлар бор. У ерда ҳам инсонлар меҳнат қилади. Улар ҳам шаҳарликлардек ҳафтада ҳаммомга тушгиси, кино кўргиси келади. Уларнинг болалари ҳам шаҳар хиёбонларида сайр этсам дейди. Афсуски, булар фақат орзу бўлиб қолмоқда. Улар фақатгина отарни, бепоён яйловни, иши тушганда ёки марказдан нозик меҳмон келганда йўқловчи хўжалик раҳбарларини, улар олдида қўл қовуштириб кийимбошидан изза бўлиб турган отаонасини кўради, холос. Қарабсизки, 10-синфни битиргач маданиятли бўлиши учун шаҳарга жўнаб қолади. Мана сизга бор фожиа.

Мен Советобод ноҳия партия қўмитаси биринчи котиби этиб сайланган йилим қўй боқишга одам топилмай қолган. Ота қариган. Боласи ҳали юқорида айтганимдек бир умр яйловда қолиб кетишни хоҳламайди. Тезроқ ҳамма имтиёзлари бор шаҳарга кетсам дейди. Шунда мураббийлик ҳаракатини йўлга қўйдик. Ёшларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш чораларини кўрдик. Ёш чўпонларни депутатликка кўрсатдик. Турли анжуманларга, хорижий элларга саёҳатларга юбордик. Қарабсизки, ёшларда қизиқиш уйғона борди. Ҳар йили мураббийлар слёти ўтказишни қатъий йўлга қўйдик. Унда кекса ота фахр билан кўпчилик олдида чўпонлик таёғини ўз фарзандига топширади. Ўғли эса ота касбини эъзозлашга сўз беради. Бу услуб ўзини оқлади. Биринчи анжуман ҳали-ҳали эсимда. «Ленинчи чорвадор» совхозининг бош чўпони Тўхтамурод Усанов ўғли Суннатга чўпонлик таёғини ва сурувни топширди. Ота ҳам, ўғли ҳам ҳаяжонда. Раҳбарларни айтмайсизми. Ўшанда баъзиларга эриш ҳам туюлди бу усул. Ҳозир Суннат совхознинг энг илғор чўпонларидан бири. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан Маҳан Норқораев ўғли Номозга ўз отарини топширганди ўшанда. Номоз ҳозир вилоят кенгашмасининг депутати. Умуман бу тадбирни бошлаб яхши қилган эканмиз. Ҳозир чўпонларимизнинг 30 фоизи ёшлардан. Албатта бу оз.

Комсомол ташкилотларидаги ҳисобот-сайловларни олайлик. Бу йиғинларни газетангиз кенг ёритиб, жуда тўғри йўл тутди. Ҳаммасини ўқиб бораяпман. Қаранг қандай ажойиб. Ёшлар ўз фикрини дадил айтаяпти. Бундан фақат қувониш керак. Тўғри, эркинликни ҳамма ёшлар ҳам тўлиқ ҳазм қила олмаяпти. Лекин бу ўткинчи ҳол. Энг асосийси уларни тўғри йўлга бошлай билишда. Қўли боғловлик масаласига келсак, бунга аллақачон чек қўйиш пайти етган. «Хўп-хўп»чиликдан



СУРАТДА: (чапда) Тошбўри Қиличев.

Сураткаш Ғ. АЛИЕВ.

3

қутилиш бу ёшларимизнинг ўзларига боғлиқ.

— Кадрлар масаласида ҳозир жумҳуриятимизда жуда катта тортишувлар бўлмоқда. Чунки, четдан кадр олиб келиш тушунчасидан қутила олмаяпмиз. Партия ва совет ташкилотларида айнан кадрлар билан ишлаш бўлимлари маҳаллий шароитни яхши билмайдиган кишилар қўлига топширилган. Масалан, Иштихон ноҳияси партия қўмитасининг иккинчи котиби Инин Пензадан чақирилган. Ахир у ерда пахта етиштирилмайди-ку, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қолаверса, Советларда ҳам «иккинчилар» албатта четдан бўлиши керак деган қоида бор. Ҳуқуқ органларимизни-ку энди қўяверинг. Бу ишда бирор ўзгариш бўлишига ишонасизми?

— Дарҳақиқат, саволингиз жуда дардли. Биз шу пайтгача кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва ишга жойлаштиришга жуда юзаки қарадик. Ҳозир ҳам шундай бўлаяпти. Менимча, ўзимизда кадрлар етарли. Фақат уларга иш ўргатиш керак. Ҳар бир камчилик ва хато учун бир-биримизни бадном қилаверсак, ўзгалар олдида ғуруримизни топтайверсак унда албатта иккинчиларни четдан чақирмай иложимиз йўқ. Энг биринчи галда биз ота-боболаримиздан мерос қолган одамгарчилик, инсоф, имон тушунчаларини қайта тиклашимиз керак. Бошқа жумҳуриятлардан кадрлар келишига қарши эмасман. Лекин беш-ўн йиллаб уларга масъул лавозимни бериб қўйиб, ўзимизнинг иқтидорли ёшларимиз, маҳаллий кадрларимиз қўлида олий партия мактаби дипломи билан ўз ишидан кўникиш ҳосил қилмай юриши ҳам инсофдан эмас. Ўзгариш бўлишига эса ишонаман. Фақат бу ўзимизга боғлиқ.

Гап келганда айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳозир ҳамма соҳада ҳам маҳаллий кадрларимиз етишмайди. Айниқса, саноатда, тўғрироғи уларни шу пайтгача завод ва фабрикаларга ишга кириши қийинроқ бўлиб келди. Бошқа шаҳарлардан келганларга эса доимо кўк чироқ ёниқ эди.

Ўйламай қилинган ана шундай ишлар натижасида ҳозир жумҳуриятимизда меҳнатга лаёқатли ишсизлар сони ўзимизда етарли рақамларни ташкил этади. Биргина вилоятимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, яқинда ўтказилган сўраб билишларига кўра, 276 минг 302 киши ишсиз экан. Бу аҳолининг 23 фоизи демакдир. Шундан 240 минг 823 нафари ёки 87 фоизи аёллардир. Қайсики, уларнинг кўпчилиги учдан ортиқ боланинг онаси. Иш билан таъминланмаган кишилар сони кўпроқ қишлоқ ноҳиялари ҳисобига ортиб бормоқда. Мана бир мисол. Ургут ноҳиясида 31 минг 900, Қўшработ ноҳиясида 15 минг 689 Пайариқ ноҳиясида эса 31 минг 259 нафар киши беиш. Буларни фақат Ноқоратупроқ ўлкаларга жўнатиш билан иш битмайди. Қолаверса, ўзбекларни ўз юртини тарк этиб, ўзга юртдан нажот сўраб юриши, менимча, кулгили. Биз бу масалани ўзимизда ҳал қилишимиз керак. Ота-боболаримиз бежиз айтишмаган, «Узоқнинг буғдойидан — яқиннинг сомони яхши», деб.

— Шарқ ҳикояларида нақл қилинишича ўзининг адолатпарварлиги ва халқсеварлиги билан шуҳрат қозонган Миср шоҳи Ҳорун Ар Рашид ҳафта кунларини шундай тақсим қилган экан. Душанба бутун халқ арз-додини эшитиш. Сешанба аъёнлар билан машварат ўтказиш. Чоршанба дадил кўрсатмалар ишлаб чиқиш. Пайшанба шикорга чиқиш. Жума тоат-ибодат билан машғул бўлиш. Шанба дам олиш куни. Якшанба бозор айланиш, нарх-наво билан қизиқиш.

— Тўғри, ҳаётимизга араб дунёсидан жуда кўп фазилатли нарсалар кириб келган. Уларни халқимиз орасида сақланиб қолиши бу фақат бизнинг маданиятлилигимиздан далолат беради. Лекин ўша даврдаги тузумни бугунги ҳаётга айнан кўчирма қилиш бу нотўғри. Биз ўтмишнинг фақат фойдали тарафларини ўрганмоғимиз лозим. Раҳбарларнинг қабул кунларига келсак, бу йиллар давомида анъанага айланган. Шунинг учун ҳам уни такомиллаштириб туриш лозим. Марказда қабул қилишнинг қулайлиги шундаки, тегишли идора ва ташкилотларга бирдан мурожаат қиласиз, керакли топшириқ берасиз. Ёмон томони шундаки, одамлар вақт, маблағ йўқотиб марказга келишади.

Одамлар кўпроқ маҳаллий раҳбарларнинг бюрократлигидан нолишади. Бундай пайтда уларни ишонтириш яна ҳам қийинроқ бўлади. Демак, биз ҳар бир масалани ўз жойида ҳал қилишни ўрганишимиз керак. Ҳозир вилоят партия қўмитаси билан ҳамкорликда ноҳияларда иқтисодий таҳлил кунларини ўтказаяпмиз. Натижаси ёмон бўлгани йўқ. Бозор айланиш масаласига келсак, бу усулни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Чунки бозор айланмай халқ дастурхонидаги аҳволни билиш қийин.

— Раҳбар сифатида нимани ёмон кўрасиз?

— Ёлғон гапиришни, беҳудага ваъда беришни, минбарга чиқиб фақат қоғоздан ўқишни, тор хонада димиқиб ўтиришни, ариза-шикоятларни пайсалга солишни, халқнинг тўй ва азасидан четга қочишни.

— Газета ўқишга муносабатингиз қандай?

— Жиддий. Умуман газетани эрталаб ўқийман. Кечқурун ўқилган хабарнинг қизиғи қолмайди. Чунки, у ҳақда кимдандир аллақачон эшитган бўласиз. Лекин биз газетани сизларга нисбатан анча кечроқ ўқиймиз. Сабаби марказий газеталар ҳам, жумҳурият газеталари ҳам бизга тушдан кейин келади. Қишлоқларга эса икки-уч кундан сўнг боради. Агар ана шу газеталарни бевосита Самарқанднинг ўзида чоп этиш йўлга қўйилса эди, бошқа вилоятларда ҳам газеталар ўз вақтида олинган бўларди.

— Тошкентда кўпчилик ижодкорлар Сиз ҳақингизда илиқ фикр билдиришади. Бадиий ижод аҳли билан ҳам яқин алоқада экансизда? Умуман санъатга муносабатингиз қандай?

— Халқимиз адабиёт ва санъатга тарбиянинг муҳим воситаси деб қараган. Эътибор берган бўлсангиз, тарихда ўтган буюк алломаларнинг барчаси адабиётни яхши билишган. Санъат билан шуғулланишган. Биз эса буларнинг барчасидан бебаҳрамиз. Баъзан болаларимизга эртак айтиб беришга вақт тополмаймиз. Тўғрироғи, айтиб берадиган ҳақиқий халқ эртакларининг ўзи йўқ. Эртак китоблари халқимиз ўтмишидан жуда йироқда. Фақат улардан фарзандларимиз ўтмишдаги ота-боболаримиз онгсиз, жоҳил, қамбағал, бадфеъл бўлган деган тушунчаларни уқишади. Гўёки, биздан Мангуберди чиқмаган, Широқ бўлмаган, Алпомиш ўтмаган, Асқартоғ ҳам афсона.

Илгари ҳар бир ўзбек хонадонида ҳеч бўлмаганда битта мусиқа асбоби бўлган. Уни вақти-вақти билан чертиб туришган. Шоҳ Машраб ғазалларини, Яссавий ҳикматларини, Ҳайём рубоийларини қишда танчада ўтириб ёд қилишган. Бир-бирларига айтиб беришган. Боболар ўз набирасига ҳалоллик, меҳр-оқибатлилик, ота-онани ҳурмат қилиш халқимиз маданиятининг дурдонаси эканлигини уқтиришган. Ҳозир танча уёқда турсин, пурҳикмат боболаримизни топиш қийин.

Отамдан қолган дутор бор. Раҳматлик ҳар замонда машқ қилиб турардилар. Уни уй тўрига осиб қўйибман. Чарчаганимда олиб чаламан. Умуман мусиқа тинглаш яхши одат.

Адиб ва ижодкорлардан Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Нурали Қобул, Мурод Муҳаммад Дўст, Азим Суюн қалбимга энг яқин кишилар. Улар ижодини доимо кузатиб бораман. Шоир ва ёзувчиларимизнинг халқимиз бахт-саодати йўлидаги дадиллиги мени қувонтиради.

— Сиз билан «Ёш ленинчи» газетаси топшириғига биноан суҳбатлашаяпмиз. Шундай экан, газета ходимларига ва муштарийларига қандай тилак билдирасиз?


— Фақат самимий. Чунки ёшларимизни жамийки фазилатларини уларнинг газеталари орқали кўриб турибман. Очиғи қайта қуриш жараёнига бу газета шунчалик тез киришади, деб ўйламагандим. Ҳозир бекатда ҳам, транспортда ҳам, ишхонада ҳам «Ёш ленинчи» қўлма-қўл. Ўзим газетачи бўлмасам-да, долзарб мавзуларни биринчи саҳифада берилаётлигини маъқуллайман. Агар газета ходимлари Ўзбекистонимиз тарихи ҳақида давомли мақолалар уюштиришса, нур устига аъло нур бўларди. Чунки, тарихимизни ҳали яхши билмаймиз.

Ҳозир мамлакатда вазият таранглашган давр. Одамларда қайта қуришга нисбатан аниқ муносабат шаклланмоқда. Ана шундай бир пайтда «Ёш ленинчи»ни ҳақ йўлдан оғишмай боришини истайман. Муштарийларига эса доимо бахт ёр бўлсин!

Суҳбатдошлар Фармон ТОШ ва Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли.

4

Бепоён менинг Ватаним




УКРАИНА ССР. Днепропетровскдаги 45-ўрта мактабда шундай бир қиз ўқийди. Юля Великина унинг исми шарифи. У ўн биринчи синфнинг энг ёш ўқувчиси. Эндигина 14 ёшга тўлди. Юля дарсларга тўла қатнашмаслиги ҳам мумкин. Машғулотларга истаган вақтида қатнашишига рухсат этилган.

Шунга қарамасдан битирувчи қиз маҳаллий дорилфунуннинг механика-математика факультетига кириш имтиҳонларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Юлянинг бу довондан ҳам бемалол ўтишига ҳамма тенгқурлари ишонишади. Бунинг учун унда замин етарли. Ўн ёшидан бошлаб Юля инглиз тилида эркин сўзлаша оладиган бўлди. 1989 йил ёзини у АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Ла Саль академиясининг математика мактабида ўтказди ва кумуш медалга сазовор бўлди. Юля «Квант» журналининг конкурс топшириқларини икки йил давомида муваффақиятли ҳал қилганлиги учун шундай сафарга бориш бахтига муяссар бўлган эди. Муаллимларнинг ҳисоблашларича, Юлянинг қобилиятлигига асосан оилавий тарбия сабабчи. Унинг отаси Валерий Лазаревич Великин Днепропетровск дорилфунуни кафедра доценти. Онаси Галина Николаевна Днепропетровск кимё-технология институти Олий математика кафедраси ассистенти. Уларнинг қизиқтиришлари туфайли Юля икки ёшига тўлганда алифбони таниди. Уч ёшидан бошлаб инглиз тили билан шуғулланмоқда. Бугунда мураккаб математика топшириқларини бемалол ҳал қила олади.

«Юлянинг қобилияти бошқа болаларда ҳам бўлиши мумкин», — дейди ота-онаси. Нашрга тайёрланаётган китобда улар оилавий таълимнинг усуллари ҳақида ҳикоя қилишади.

СУРАТДА: Юля Великина.




БРЯНСК вилоятидаги Сузем ноҳияси мактабларидан биридаги пионер отряди Афғонистонда ҳалок бўлган юртдош аскар — Игорь Кулаженко номи билан юритилади. Яқинда мактаб ўқувчилари Игорнинг Брянскдаги қуролдош дўсти Игорь Шпандаревни излаб топишди ва уни меҳмонга таклиф қилишди. Бироқ таклифнома юбораётган болалар 26 ёшли Игорга ўртадаги масофани босиб ўтиш ниҳоятда мушкуллигини билишмасди. Беш йил муқаддам жароҳатдан, сўнгра эса операциядан кейин Игорнинг оёқлари ишламай қолди. Она унинг бирдан-бир ишонган таянчи бўлиб қолди. Рафиқаси боласини олганча кетиб қолди.

Шунга қарамасдан Игорь ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Теварак-атрофдагиларнинг ғамхўрлигидан мамнун. Қуролдошлари унга ногиронлар аравачасини топиб беришди. «Совавто—Брянск» ҳайдовчилари «Ташаббус» маркази билан ҳамкорликда авиомашина совға қилишди.

Шундай қилиб, Игорь ўз машинасида пионерлар ҳузурига келди. Дарвоқе, аскарнинг кўплаб дўстлари бор. Таня исмли қиз шулардан бири. Улар яқинда турмуш қуришса, ажаб эмас.

СУРАТДА: Таня машқ қилишда Игорга кўмаклашмоқда.



«ЧАЙКА» тонфасидаги соатларни хорижликлар ҳам севиб харид қиладилар. Ўзимиз ҳам жон деб сотиб олардиг-у, аммо... Анқонинг уруғи улар.

СУРАТДА: Москвадаги Бош универсал дўкон (ГУМ)да «Чайка» совет соатлари кўргазмаси.

ТАСС суратлари.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Адабий мерос — абадий мерос

ва яна қўлёзмалар тақдири ҳақида

ЎТМИШДОШЛАРИМИЗ томонидан асрлар давомида жамланиб, авайлаб-асралган, бизгача етиб келган ёзма обидаларга нисбатан эътиборсизлик, лоқайдлик, уларнинг илмий қимматини англамаслик, фаннинг аҳамиятини баҳолашдаги мантиққа зид тутуруқсизлик, субъективизм оқибатида асримизнинг 20-30 йилларида ақл бовар қилмас мудҳиш воқеалар юз берган. Беҳисоб нодир китоб ва қўлёзмалар қабристонларга, чуқур, зовурларга кўмиб ташланган, ўтда ёқилиб, кули кўкка совурилган, сувларга оқизилган, ертўлалар, эски кулба ва вайроналар токчаларига қалаштириб, сувоқлаб ёпиб юборилган. Бундан ҳам даҳшатлироқ манзара бўлиши мумкинлиги инсон тасаввурига сиғмайди. Қайта тиклаб бўлмас бу йўқотиш ёвуз ёв ғоратидан неча чандон баттарроқ эди.

Бу хунук ва нохуш ҳодисаларнинг тирик гувоҳлари бор. Халқ, унинг маданияти тарихига ҳурматсизлик, аждодлар хотирасига, миллий ғурурга нописандлик оқибати бўлмиш бу завол, қайта тиклаш мумкин бўлмаган йўқотиш — аччиқ ҳақиқат. Унинг сабабчилари тарих ва жамият олдида жавобгар, халқ хотирасида юзи қора, миллат наздида гуноҳкордирлар. Таассуф билан шуни айтиш керакки, бундай жаҳолатнинг эпкини яқин-яқин кунларгача ҳам давом этиб келди. Аммо, анча кечикиб бўлса ҳам, маданий меросга ҳурматсизлик туфайли йўл қўйилган бундай хатолар фош қилинди, уларни ўрганишга нисбатан бўлган калтабинлик ва бебошликнинг олди олинди.

Қўлёзмалар халқ тарихи, маданияти, адабиёти, тилини ўрганиш, тараққиёт тарихининг қоронғи саҳифаларига аниқлик киритиш учун бой ашёвий далиллар берувчи бирдан-бир ишончли манба, ҳужжатдир, асрлар сир-асрорининг, салафлар садосининг тилсиз гувоҳидир.

Ўзбек халқи қардош туркий халқлар оиласида ўзининг эски ёзув анъанасига эга халқлардан бири бўлиб, тараққиётнинг турли босқичларига оид кўплаб ёдгорликларнинг ворисидир. Уларнинг талай қисмини бевосита адабиётшунослик, тилшунослик, лексикология ва лексикография учун илмий ва амалий аҳамияти беқиёс адабий асарлар, тарихий-хроникал хотиралар, филологик рисолалар ташкил этади. Аммо, уларни илмий муомалага киритиш, нашр ва тадқиқ қилиш, бирламчи манба сифатида улардан кенг фойдаланиш ишининг ҳозирги аҳволи талабга жавоб бериш даражасида қониқарли эмас.

Ёзма ёдгорликларнинг оз қисмигина кекса авлодга мансуб ватандош ва хорижий тадқиқотчилар томонидан нашр ва тадқиқ қилинган, улар ҳам вақт ўтиши, нусха камчиллиги сабабли аллақачонлар танқис, библиографик нодир нусхаларга айланиб қолган, эскирган, замонавий фан ютуқларига таянган ҳолда қайта ишлашга ва нашр қилишга муҳтождир. Уларнинг кўпчилиги эса ҳануз ўрганилмаган, нашр қилинмаган. Улар орасида саҳифаларига ҳануз инсон қўли тегмаганлари ҳам оз эмас. Бинобарин, матншунос — тадқиқотчилар олдида турган вазифа хазиналарда сақланаётган қўлёзмаларни ўрганиш, нашр қилиш ишларини тубдан қайта қуриш асосида уларни халққа етказиш, илм-фан ривожига хизмат қилдиришдан иборат бўлмоғи керак.

Ҳар бир ўтган кун бугун ва келгуси кун учун — тарих. Вақт ўтган сайин қилиниши керак бўлгани ҳолда қилинмай қолаётган ишларимиз билан бўлган оралиқ узоқлашаверади, ёдгорликларимиздан узилиб қолиш хавфи тобора ортаверади. Турли даврларга оид катта ва кичик қўлёзмаларда эса фанимиз, маданиятимиз, адабиётимиз, тилимиз тарихига тааллуқли қимматли маълумотлар тилсимот ганжинаси каби яширин қолиб келмоқда. Қўлёзмаларни илмий муомалага киритиш, уларнинг маълумотлари ва материалларидан фанимиз ривожи учун фойдаланишнинг чора-тадбирлари айни ҳозир кўрилмаса, кейин кеч бўлади.

Қўлёзмаларнинг аксарияти кўҳна даврларга оид бўлиб, жилд ва саҳифалари эскириб, илвираб кетган, кўпгина саҳифаларидаги ёзувлар хиралашиб, нурсизланиб, ўқиш учун бир мунча қийин бўлиб қолган. Вақт ўтиши билан бу аҳвол баттарлашиб бориши табиий. Қатор қийинчиликлар билан боғлиқ археографик экспедициялар, шахсий изланишлар, инсон кучи ва моддий маблағлар сарфлаш эвазига узоқ муддатлар давомида тўпланган, ундан кам бўлмаган қийинчиликлар билан сақланаётган қўлёзмаларнинг тақдирига муносабатни тубдан ўзгартириш, уларни авлодлар учун тўлиғича сақлаб қолишнинг амалий чораларини кўришнинг пайти келган.

Бунинг учун, биринчи галда, қўлёзмаларнинг энг нодирларини танлаб олиш, уларнинг яхши сақланганларини қисқа кириш, филологик тавсиф билан таъминлаб, тепки матнини, ёмон сақланган, илвираб, нураб бораётган, саҳифалари қийинчилик билан ўқиладиган, аммо ҳали ҳам тиклаб ўқиш мумкин бўлганларини тиклаш, тепки нусхада ва ҳозирги ёзувга ўгирган ҳолда нашр этиш зарур. Бундай матн ишлари муайян бир босқичга етгандан кейин уларни тавсиф, таҳлил ва тадқиқ қилишга ўтилади.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳеч шубҳасиз, эски ёзувни биладиган, қўлёзмаларни ўқий оладиган, улар устида мустақил ишлаш қўлидан келадиган етук мутахассислар билан боғлиқ. Афсус билан шуни айтиш кераккн, худди ана шундай мутахассислар вақт ўтиши билан тобора камайиб бормоқдалар. Қўлёзмалар устида мустақил иш олиб бора оладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳам ҳозирги кун тартибидаги асосий масалалардан биридир.

Олий ўқув юртларининг филология факультетларини битириб, илмий-тадқиқот институтларига ишлаш учун келаётган кадрларнинг сони бармоқ билан санарли даражада оз, улар ҳам асосан ҳозирги замон адабиёти ва тили бўйича ихтисослашгандир. Уларнинг адабиёт ёки тил тарихи соҳалари бўйича махсус мактабни ўтиб, ўртамиёна мутахассис бўлиб етишишлари учун маълум вақт керак бўлади. Илмий-тадқиқот институтлари бўсағасига қадам қўйганданоқ эски ёзувда битилган матнлар устида мустақил равишда ишлаб кета олишга муайян ҳозирлиги бўлган ва туркология ихтисоси асосларини эгаллаган кадрлар тайёрлаш ишларини олий ўқув юртларида, хусусан Тошкент Давлат дорилфунунида йўлга қўйиш, бунинг учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш керак.

Ўрта Осиё давлат дорилфунуни (ҳозирги ТошДУ)нинг Шарқшунослик факультети таркибида мавжуд бўлган эрон-афғон, ҳинд-шарқий туркистон ва тарих бўлимларини битириб чиққан кадрлар илмий-тадқиқот институтларида ўз соҳалари бўйича мустақил ишлаб кета оладиган даражада ихтисослашар эдилар. Ҳозир эса шу факультетни битириб чиқувчиларнинг кўпчилиги қаерларда ва нималар билан банд эканликларини билмаймиз. Факультетни битиришдан асосий мақсад чет элга бориб келиш бўлиб қолганлиги ҳам сир эмас. Бу факультетнинг аввалги анъанасини тиклаш зарурати туғилган.

Битирувчилар ўзбек тили ва адабиёти билан бир қаторда бевосита туркология бўйича ҳам ишлаб кета олишларини кўзлаб, филология факультетлари таркибида туркология ихтисоси бўйича махсус бўлим ташкил қилиш, бу йўналиш бўйича мутахассис тайёрлашни таҳсилнинг бошиданоқ бошлаб юбориш мақсадга мувофиқ кўринади. Дорилфунун қошидаги туркология кафедрасининг мақсади ҳам мана шунга йўналган бўлиши керак. Аммо бу кафедранинг вазифаси афсуски, ҳозирча кўзлангандан бир оз бошқачароқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбек тили тарихи, туркология ихтисослари бўйича ўз ихтиёри ва ташаббуси билан шуғулланиши натижасида етишиб чиқаётган кам сонли мутахассисларни ҳисобга олмаганда, бу соҳалар бўйича том маънодаги кадр тайёрлаш на олий ўқув юртларида, на илмий-тадқиқот институтларида йўлга қўйилмаган. Ўз мавқеи, фонди бойлигига кўра Иттифоқдагина эмас, балки дунё шарқшунослигида етакчи марказлардан бири ҳисобланган ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таркибида туркология бўлимининг мавжуд эмаслиги таажжубланарли ҳолдир. Ахир бу институт регионал шарқшуносликнинг маркази-ку, унинг фондида жамланган қўлёзмаларнинг талай қисми туркий (эски ўзбек) тилида битилган оригинал ва таржима асарлардан иборат-ку, туркология худди мана шу ерда марказлашиши керак-ку! Ушбу институт таркибида туркология бўлими ташкил этилиши жуда ҳам зарурдир. Туркологиянинг йирик марказларидан бири мавқеига эга бўлишнинг барча имкониятлари мавжуд республикамизда бу борада сезиларли бирор иш қилинмаётганлиги, амалий тадбирлар кўрилмаётганлиги, бу соҳага етарли эътибор берилмаётганлигининг оқибатидир.

Қўлёзмаларнинг барчаси араб графикасига асосланган эски ёзувда битилган. Бу ёзув ўзбек халқи ҳаётида эски даврлардан бошлаб асримизнинг 29-йилигача, араб ёзуви ўрнига лотин ёзуви қабул қилингунгача ва ундан сўнгроқ ҳам, яъни лотин ёзуви ялпи жорий бўлгунга қадар амал қилган. Деярли минг йиллик даврга оид тарихий, адабий, илмий, филологик асарлар, махсус адабиётлар, тўпламлар, газета-журналлар, расмий ҳужжатлар, ёзишмалар барчаси бизга мана шу ёзув орқали етиб келган. Улар илмий-тадқиқот институтларининг фондларида, архивларда, шахсий фонд ва кутубхоналарнинг жавонларида қалашиб ётибди.

Мана шу бой хазиналардаги манбаларни ўқий оладиган, зарурларини нашр ва тадқиқ қила оладиган, уларни таҳлил ва шарҳ қилишни уддалайдиган мутахассисларга эҳтиёж катталиги яққол сезилмоқда. Бу эса араб графикаси асосидаги эски ёзувни пухта билишни талаб қилади. Араб ёзувини пухта билмасдан туриб қўлёзмаларни ўрганиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Тарихан бу ёзувнинг ҳам бир неча турлари амалда бўлган, қўлёзмалар мана шу ёзув турларининг бир нечтасида ёзилган. Бу ёзув турларини билиш ўтмишда фан ва санъат ҳисобланган. Буларни айтишдан муддао эски ёзувга ўргатиш ишини ўрта ва олий мактабларда жорий қилиш, йўлга қўйиш ва жонлантиришнинг зарурати туғилганлигини таъкидлашдир. Айни мана шу борадаги ишларнинг ҳозирги аҳволи қониқарсизгина эмас, балки ачинарлидир, бу ҳол бир қатор объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқдир.

Касбдошлар учун ҳар қанча оғир туюлса ҳам айтишга мажбурмиз: олий мактабларнинг филология факультетларида эски ёзувга ўргатиш талабга жавоб бермайди, бу ишда ўқув программасини амал-тақал қилиб бажаришдан нарига ўтилмаётир, талабалар жўнгина матн устида мустақил ишлай олиш малакасига эга бўла олмаётирлар. Бунинг асосий сабаби шу фан учун ажратилган дарс соатларининг ниҳоятда камлигидадир. Бу соҳадаги ишларни яхшилашнинг амалий тадбирларини кўриш пайти аллақачонлар келган. Эндиликда эски ёзувни фақат филология факультетларида эмас, балки олий мактабларнинг, хусусан дорилфунунларнинг бошқа гуманитар факультетларида, шунингдек, ўрта мактабларда ҳам ўргатишни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни хўжакўрсингагина эмас, муайян мақсадга йўналтирган ҳолда олиб бориш лозим. Бу ёзувни билиш адабиёт ва тил мутахассиси билан бир қаторда тарихчи, археолог, файласуф, иқтисодчи, географ, юрист ва санъаткор учун ҳам фан тарихи нуқтаи назаридан сув билан ҳаводек зарурдир.

Олий мактаб талабаларига мўлжалланган ва 1960 йилда (1973 йилда қайта) нашр этилган «Ўқиш китоби. Эски ўзбек ёзуви намуналари» ўқув қўлланмасини истисно қилганда, шу даврдан кейин бу борада ҳеч қандай амалий иш қилинмади. Бу илгари қараб силжиш эмас, турғунлик, балки орқага қараб чекиниш бўлди. Эндиликда олий мактаб талабалари учун эски ёзувни ва эски ўзбек тилини ўргатишга мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар яратиш ҳаётий зарурат бўлиб қолди.

Бу борадаги дастлабки хайрли иш ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида бошланди. 1989 йилдан бошлаб ўзбек тили ва эски ўзбек ёзувига ўргатиш бўйича тўгараклар ташкил этилиб, машғулотлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Шу тўгаракларда машғулот олиб борувчилар ва тўгаракда шуғулланувчиларга мўлжалланган амалий қўлланма ҳам тайёрланган. Бу тадбир шу соҳадаги дастлабки қадам бўлиб, у келгусида жумҳуриятнинг барча йирик шаҳарларида ҳам жорий қилиниши айни муддаодир. Қўлёзмалар устида иш олиб бориш учун эски ёзувни билишнинг ўзи кифоя қилмаслигини, араб ва форс тилларини билиш ҳам албатта зарурлигини ҳисобга олган ҳолда ўрта ва олий мактабларда араб ва форс тилларини ўргатишни ҳам йўлга қўйиш, бу предметлар учун етарли дарс соатлари ажратиш, мактаблар ва олий ўқув юртларини малакали ўқитувчилар билан таъминлаш асосий вазифалардан биридир. Бу тилларни ўргатиш бўйича Шарқшунослик, Тил ва адабиёт, Қўлёзмалар институтлари қошида доимий тўгараклар ташкил этиш, уларни ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти қошидаги чет тиллар кафедрасида ўргатилаётган инглиз, француз ва немис тиллари қаторида ўргатишни жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Араб ёзуви ва араб тилига ўргатиш диний эътиқоднинг жонланишига йўл очади дегувчи сийқаси чиққан, илмий асоссиз, ҳаётий ҳақиқатга зид, узоқ муддат маданий меросни ўрганиш йўлида тўсиқ бўлиб келган мантиқий тутуруқсиз фикрнинг ҳануз онда-сонда учраб турадиган асоратига барҳам бериш керак. Шўро олий мактабида араб ёзуви ва араб тилини ўрганиб чиққан, турли илмий марказларда ўз ихтисослари бўйича муваффақиятли иш олиб бораётган бирор киши муллавачча ёки мулла бўлиб кетгани йўқ. Ёки шундай ғайритабиий ҳодисотни кўрган кўз, эшитган қулоқ борми? Аксинча, уларнинг бевосита раҳбарликларида, назарий йўл-йўриқлари билан эски мактаб ва мадрасаларда таҳсил кўрган кекса авлодга мансуб бир талай кишилар қўлёзмаларни нашр этиш, таржима ва таҳлил қилишдек хайрли ишларни амалга оширишда самарали ишладилар, совет шарқшунослигининг ривожига сезиларли ҳисса қўшдилар. Улар орасида ҳатто фан доктори ва фан номзоди илмий даражаларини олганлари ҳам бўлди. Журъатсизлик, қўрқоқлик, ҳадиксираш каби иллатлар илм соҳасига ва илм аҳлига ёт бўлмоғи керак. Булар кўнгилсиз оқибатларга олиб келади, илм-фан йўлида ғов бўлади.

В. И. Ленин 1920 йилнинг 2 октябрида Россия Коммунистик Ёшлар Союзининг Бутун Россия III съездида сўзлаган тарихий нутқида ўтмиш маданиятини ўрганиш ҳақида қуйидаги доҳиёна фикрни айтган: «Ўз фикрингни кишилик жамияти яратган бойликларнинг барчасини билиш билан бойитганингдагина коммунист бўла оласан».

Ўзбек матншунослигининг олдида турган асосий вазифа марксизм-ленинизм методологиясига асосланиб ҳозирги илмий савияда, замонавий талабларга, ғоявий-сиёсий эътиқодимизга мос ҳолда ўрганиш, нашр ва тавсиф қилиш орқали ёзма ёдгорликларни илмий муомалага киритиш, уларни ҳозирги замон фани ривожига хизмат қилдиришдан иборатдир. Ўтмиш маданий ёдгорликларини қадрлаш салафлар хотирасига ҳурматимизнинг ифодасидир.

Қаюм КАРИМОВ,
филология фанлари номзоди.

Хорижадан хабарлар

ДЕНГИЗ КАСАЛИГА ЧАЛИНИШМАЙДИ

ТОКИО. (ТАСС). «Мицубиси . дзюкогио» концерни таркибидаги Япония кемасозлик компанияси хоналари кема чайқалишидан «яхшилаб муҳофаза қилинган» пассажир кемасини қуришга киришди. Бундай кема қурилиши тўғрисидаги хабар афтидан, денгиз касалининг нохуш аломатларини бошидан кечирган кишилар томонидан ҳайрат билан кутиб олинса керак. Янги кема унинг конструкторлари режаларига кўра, қарийб 27 метр узунликдаги катамаранни эслатади. Каюталар кема корпуси ичида махсус гидравлик амортизаторларда гўё «сузади», бу амортизаторлар борт компьютери ёрдамида бошқариб турилади.

Қарийб икки метрли тўлқинда денгиз чайқалиши чоғида пассажирлар ўзларини гўё тезкор поезд ёки автобусда юргандек ҳис этадилар. Қурилиши учун 700 миллион иена сарфланадиган катамаранга 200 киши сиғади. Чайқалишни «жиловлаш» учун унда қўлланилган конструкциялар, кемасозларнинг фикрича, келгусида янада каттароқ кемаларда самарали фойдаланилиши мумкин. Япон кемасозлари ана шундай системалар ёрдамида кема ресторанлари мижозларини, гидрография кемаларидаги лабораторияларнинг ходимларини кишининг силласини қуритувчи денгиз касалидан халос қилиш ниятидадирлар.

ДОИМО ҲУШЧАҚЧАҚ БЎЛИНГ

БОНН, (ТАСС). Сиз ақалли бирор марта кулдингизми? Ғарбий Германиядаги Виккерт социология институти тадқиқотчиларининг ана шу саволига институт жамоатчилик ўртасида ўтказган савол-жавоб қатнашчиларининг 89 фоизи қатъий «Ҳа», деб жавоб берди. Институтда «Кайфият барометри» деб ном олган ана шу анъанавий савол-жавоб ГФРда ҳозирги ўн йилликда жилмаяётган катта ёшдаги кишилар кўпайганини кўрсатди. 1980 йилда барометр атиги 77 фоиз кишини қайд этган эди. Лекин умумий ўсиш даражасида битта кўрсаткич барқарор сақланиб қолди — бу эркак ва аёлларнинг бир-бирларига жилмайишга тайёр эканликларидир.

Умуман, ГФР гражданлари бир-бирларига яхши муносабатдадирлар, деган хулоса чиқариш мумкин. Улардан қай бири қувноқ бўлибгина қолмай, миллионлаб кишиларни кулдириш қобилиятига эга? Виккерт институтининг ана шу саволига бошқа тадқиқотлар жавоб беради. Тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, телевидение юмористик программаларининг бошқарувчиси, машҳур кулги устаси Отто Валкес ана шундай кишидир. Сўраб чиқилганларнинг 70 фоиздан ортиғи уни афзал кўрган. Ёшлар ўртасида эса «хушчақчақ Отто»нинг ихлосмандлари 90 фоиздан ҳам ортиб кетади. Бу ерда бошқарувчини ана шундай деб аташади.

Умуман, унинг фикрича, хушчақчақ кишилар ҳаётда омадлидир.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● СОФИЯ. Бу ерда Болгария мустақил бирлашмалари уюшмасининг таъсис съезди ўз ишини тугатди. Касаба союз анжуманида болгар меҳнаткашлари ташкилотларининг ҳаёти ва фаолияти учун муҳим қарорлар қабул қилинди.

Касаба союз бирлашмасининг бошқа ном билан аталиши ҳамда съезд номининг ўзгартирилиши ташкилот тузилмасида, унинг фаолияти мазмуни ва шаклларида чуқур ўзгаришлар бўлаётганлигини акс эттиради. Съезд Болгария мустақил бирлашмалари уюшмасининг Низоми ва Ҳаракат дастурини қабул қилди, «жамиятни истибдод системасидан демократик тузилма сари тубдан ва тез ўтиши»ни ёқлаб чиқди.


● БУДАПЕШТ. Бу ерда Венгрия социалистик партияси правлениесининг бўлиб ўтган мажлиси якунлари асосида чақириқ эълон қилинди. Унда, жумладан, социалистлар демократик сайловларнинг ўтказилиши партия учун сиёсий кураш эканлигини тушунаётганликлари айтилади.

Венгрия социалистик партияси сайловларнинг дастлабки босқичидан ўтган барча партияларга 24 февралдан сўнг музокаралар бошлаш ва бутун миллат манфаатига алоқадор бўлган умумий масалаларни муҳокама қилишни таклиф этади, дейилади чақириқда.

● КАЛИШ (Жануби-ғарбий Польша). Бу шаҳарда «Меҳнат ва мулк» мавзусида бўлган анжуман ниҳоясига етди. У хилма-хил бозор иқтисодиётини яратиш йўлига ўтган бугунги Польшанинг асосий иқтисодий муаммолари юзасидан ошкора фикр алмашилган мўътабар анжуманга айланди. Анжуманни ташкил этган маҳаллий жамоат ташкилотлари ташаббусига кўра, бу ерда энг йирик саноат корхоналарининг вакиллари, Умумпольша касаба союзлари битими ва «Бирдамлик»нинг икки етакчи касаба союз маркази арбобларидан 500га яқин киши тўпланди.

Министрлар, сейм депутатлари ва «Бирдамлик»дан сайланган сенаторлар мамлакат ҳозир фикрлар хилма-хиллигига асосланган демократияга ўтиш ва бозор иқтисодиёти асосларини яратиш босқичида турганлигини таъкидладилар. Мулк муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, давлат секторининг катта қисмини хусусий қўлларга бериш кўп йиллар давомида инқирозга юз тутиш натижасида заифлашган иқтисодиётни соғломлаштиришнинг асосий воситаси сифатида айтилди.

(ТАСС).



Ҳозир дунёда хотин-қизлар ишламаган бирор соҳа бормикан? Йўқ. Сиз мана шу суратдаги юзида табассум балқиб турган аёлни қайси соҳа вакиласи деб ўйлайсиз? Денгиз соҳилларида сузиб юрувчи саёҳатчи кемаларнинг одатдаги меҳмони дейсизми? Йўқ, тополмадингиз. Бу аёл — Америка Ҳарбий Денгиз Флотининг хизматчиси. Америка армиясида ҳозирги кунда икки юз мингга яқин хотин-қизлар хизмат қилади. Бу дегани ҳар ўн ҳарбий хизматчининг биттаси хотин-қизлар ҳисобланади.

Суратни В. СОЛНЦЕВ олган.

(ТАСС).

ИҚЛИМГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Олимларнинг бутун ер юзида «парник самараси» натижасида келажакда иқлим исиб кетиши тўғрисидаги ташвишли башоратларига қарама-қарши АҚШнинг жануби-шарқий ноҳияларида кейинги 30 йил мобайнида иқлим бирмунча салқинлашган. Шанба куни Янги Орлеан (Луизиана штати)да эълон қилинган федерал докладда ана шундай хулоса берилди. Океанограф Жорж Молнинг тадқиқотларида умуман қайд этилган давр мобайнида АҚШнинг мазкур регионида ҳаво намлиги ошганлиги ҳам таъкидланган.

Бироқ, Америка фан тараққиётига кўмаклашувчи уюшмасининг мажлисида сўзга чиққан олимнинг айтишича, унинг тадқиқотлари натижалари бутун дунёда иқлимнинг исиши тўғрисидаги гапларнинг аниқ исботи эмас. Шундай бўлса-да, деди Мол, «бу мазкур муаммо теварагидаги мунозараларни жонлантириб юбориши керак».

Кўчманчилар оқими кўпаймоқда

БОНН. ГФРда яшовчи исталган кишидан бошқа мамлакатлардан келаётган кўчманчилар оқими давом этаётганлигига қандай қарайсиз, деб сўрасангиз, уч кишининг икки нафари бундан унча қувонмаётганини айтса керак. Кейинги вақтда «Бундесбюргерлар» орасида ГДР ва Шарқий Европадаги бошқа мамлакатлардан федератив республикаларга одамлар тобора кўп келаётганлиги муносабати билан асабийлашиш кучаймоқда, деб ёзади Ғарбий Германия матбуоти. «Шпигель» ҳафтаномаси келтирган статистика маълумотлари Германия Федератив Республикасининг аҳолиси кўчманчилар оқими кўпаяётганлигидан норози бўлаётганлигини яққол кўрсатади. Ҳозир, деб таъкидлайди журнал, федератив республика гражданларининг атиги 33 фоизи ГДРдан кўчиб келаётган барча кишилар Ғарбий Германияда доимий яшаб қолиш имкониятига эга эканлигини айтмоқда. Ўтган йилнинг октябрида — чегаралар очилгунга қадар бўлган вақтда Ғарбий Германия гражданларининг 63 фоизи ГДРдан кўчиб келганлар бу ерда қолишининг тарафдори бўлишганди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ХИТОЙЧА ТАГСЎЗ

● ҚЎШМА ШТАТЛАРдаги Хитой ресторанларидан бирига бир аёл ташриф буюрганди. Аёлга таомнома муқовасидаги хитой тилидаги ёзув жуда ёқиб қолди. Шунинг учун ёзувни аёл кўчириб олди ва кўп ўтмай қўйлагининг кўкрак қисмига тикиб олди, албатта, ёзувнинг мазмунига ўзи тушунмаган ҳолда.

Фақат анча вақт ўтгандан кейингина...

Ўшанда бир таниши хитойча ёзувни таржима қилиб берди: «Бу лаззатдан ҳеч иккиланмай тезроқ баҳраманд бўлинг. Кейин афсусланиб юрманг тағин» деган маънони англатаркан.

8 БАРМОҚНИ УЛАБ ТИКИШДИ

● ДЕТРОЙТнинг «Харпер-Грейс» клиник комплексига қўшни шаҳар Уорреңдан 19 ёшли ишчи-штамповкачи Робби Жонни «тез ёрдам»да олиб келишди. Жарроҳлар ўша заҳоти ишга киришишди. Операция 20 соат давом этди ва муваффақиятли тугади.

Воқеа бундай бўлганди: Робби иш жараёнида 8 бармоғини станокда кесиб олди. Фақат иккала қўлининг бош бармоғигина омон қолди. У хушидан кетиб ётган пайтда «тез ёрдам» келади ва шунда кимдир кесилган саккиз бармоқни ҳам музли қутига солиб қўйган экан. Жарроҳлар ҳар бир бармоқни ўз жойига тикишади.

Билмадик, тикилган бармоқлар ўз вазифасини олдингидек бажара оладими ё йўқми, буни вақт кўрсатади. Лекин шуни аниқ айтиш мумкинки, операциянинг биринчи босқичи муваффақиятли якун топди.

ПОЛИЭТИЛЕН ХАЛТАСИНИНГ МУАЛЛИФИ КИМ?

● МАГАЗИНдан ёки бозордан у-бу харид қилсангиз уларни сарамжом кўтариб юришда полиэтилен халтаси асқотади. Демак, бу халтани ҳар куни ишлатасиз. Хўш, бу халтани ким ўйлаб чиқарган экан? Унинг ватани қаер, деган саволлар сизни ҳеч ўйлантирганми?

Агар қизиқаётган бўлсангиз айтишимиз мумкин. Унинг муаллифи У. Гамильтон. Ватани Швеция мамлакати.

Ҳисоб-китобларга қараганда, дунё бўйича йилига 4 миллиарддан ортиқ полиэтилен халтаси сотилмоқда. Бу рақам ҳали яна ўсади. Шу нуқтаи назардан Гамильтонга ўтган йили «Швед—89» деган юксак унвон берилди.

ШЕЪР ҚАЧОН ШЕЪР БЎЛҒУСИ...

Ҳаваскорлар шеърларини ўқиб...

Чиндакам шоир ўз шеърини қай ҳолда ёзиб, қачон тугатишини ҳеч маҳал олдиндан белгилай олмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. У илоҳий туйғулар ортидан эргашиб, ўт-олов ичида қолганини ҳам сезмайди баъзан. Қалбини куйдириб, безовта этган дардни, нафис ҳислардан оқ қоғозга қўйилган чўғ янглиғ сўзлар тафтидан борлиғин иситарқан, уларнинг ловуллаган оташга айланмоғини истайди. Вужудларга кўр, зулматда нур бўлсин дейди бу оташин.

Шеър бир қалбнинг тоғу-тошни титратгувчи наъраси. Ҳақиқий шеърлина гўдакдек соф, тонглардек оқ бўла олади. Руҳимизда тиниқлик тимсолидек товланади. Кўнгилимизга сурур бахшида этиб, оҳангига мафтуну лол қилади. Эзгулик уруғидан баҳраманд этади қалбимизни. Кенгликларга чорлайди. Уфқларнинг бепоён ортидан оламлардан хабар беради. Шундагина адабиёт аталмиш адабиётнинг нафис кўйларидек жозибали оҳанг қудратини ҳис қилмоқ мумкин. Шеър қачон шеър бўлгуси, вужудни ловуллаб куйдирсагина. Шеър қачонки шеър бўлгуси — кўпчилик овозига айлансагина. Дилларга чақмоқ янглиғ кирсагина. Тафаккур осмонини ёритсагина. Мисралар юлдузлардан тизилган мангу ёлқинли мунчоқдек то абад чарақлаб турсагина олис-олислардан ҳам кўринмоғи бегумон.

Ижодкор ёшлар бўлмиша ҳам ўзининг қалб сўзларини, ҳис-туйғуларини шеърда ифодалаб машқ қилувчи ёшлар тез-тез мурожаат қилишади. Дилга мойил «ялт этган» янгилиги бор машқларни ҳушҳол кутиб оламиз. Имкон борича алоқада бўламиз улар билан. Лекин кўпчилик умидли ёшлар билан почта орқали танишувга ҳам тўғри келади. Бизни суюнтирган томони уларнинг кўпчилиги шеър майдонини ўз қисмати маъносида англаганлиги. Бунда эзгулик ялловини баланд тутиб нечоғлиқ олға одимлаши эса уларнинг ўзига, ҳа, фақатгина ўзига боғлиқ. Изланиш, интилиш-шеър майдонида беҳол йиқилмасликнинг ягона йўли.

Эътиборни қўлимиздаги шеърларга қаратсак. Муаллифларнинг айримлари назм мухлисларини жумҳурият матбуоти орқали ижод сарчашмаси билан таништирмоқ бахтига мушарраф бўлганлар (Ҳамид Жалил, Фарида Бутаева...) Лекин уларнинг ҳар иккисини ҳам биздаги барча шеърларини газетхонларга тортиқ қилиш имконимиз йўқ. «Зулайҳо энам эртакларидан» балладасида Фарида оддий баёнчиликка йўл қўйган. Натижада жўн сатрлар воқеанинг асл моҳиятига путур етказибгина қолмай, шеърхонда ҳам зерикиш уйғотиши табиий. Ҳамиднинг «Бўйнинг йўғон бўлганда эди», «Онжиза» шеърларида эса «сунъий» оғриқ янада кучайтирилади. Яъни «публицистик тўн» кийиб олган улар.

Шоирликнинг оғир томони; илк машқнинг рўзнома ёки биронта журнал юзини кўргунча минг бор ҳолда бесабрлик билан кутасан. Хўш, ёруғликка чиқди ҳам дейлик. Кейинчи? Аллақандай ҳадик тимдалайди кўнглингни «Одамлар ўқидимикин? Нима дейишди экан?» Ишқилиб...» Ҳатто ўз юрагига бешафқат ижодкорнинг ҳаяжон гирдобида қолувчи, шоирликнинг чин маъносидаги азобини чекувчига азобли кунлар мубталолийкдир бу. Гапнинг очиғи ҳам шу: матбуотда эълон қилинсаю, эл тилига тушмаса.

Биз мухтасаргина таҳлилимизга жоиз деб топганимиз Ҳ. Исоқова, Я. Ваҳобов, О. Суфихонов, А. Исмоил, М. Шодмонқулова кабиларнинг изланишида милтиллаган умидбахш ёғдулар элас-элас кўзга ташланади. Бетиним ишлаш, жиддий эътибор самарасигина ушбу қаламкашларни ўта масъулиятли, машаққатли йўл қаршисида нечоғлик тайёр эканлигини кўрсатади.

Албатта қўлига қалам тутган, шеър қуйида тунни бедор ўтказган ҳар бир одам дилида қулф уражак эзгулик кечаги завқидан ўзгалар кўнгли яйрашини ҳам истайди. Руҳий кечинмалар қуйилмаси кимларнингдир кўнглида сокинлик, осойиш ёхуд ҳаяжон қўзғатса дейди. Нурли шамойилли бунақа шеърлар камдан-кам, гоҳ-гоҳда дунёга келиши шубҳасиз. Машқлардаги ясамалиликдан ҳолилик, оригиналлик қаламкаш камолатини белгилайди. Шу боис ҳам З. Исомиддинов (Қўқон), Р. Наимов (Самарқанд), У. Ҳасанова (Сариосиё), Т. Бегалиева (Оҳангарон), М. Ҳолматов (Фарғона), А. Исомиддинов, Х. Умрзоқов (Гулистон), И. Файзиев (Тошкент) ва бошқалар машқларида ўзига хосликка интилиб, шеърий мукаммаллик синоати талабини чуқур ҳис этсалар яхши бўларди.

Умуман олганда қўлимиздаги даста-даста машқларни ўқир эканмиз, адабиёт мухлислари кўплигидан қувонамиз. Келгусида унинг бўстонига турфа гуллари билан янада чирой бахш этадиган ёшлар топилишига умид қиламиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

Нишона



О. РАҲМОНОВА Наманган вилоятининг Норин ноҳиясида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультети 3 курс талабаси.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

Она

Она, сен меҳнатдан ҳориб толдинг-ку
Сочларинг қор бўлиб, қариб қолдинг-ку!
Қалбимга соғинчли шеърлар солдинг-ку,
Фикру хаёлимни олдинг-ку, она.
Елкангга ортмоқлаб катта болангни,
Ҳеч кимга сездирмай оҳу нолангни,
Борардинг... Севардинг кунлик далангни,
Менсимай ёмғиру шамолни, она.
У кунлар ўтди-ю, юзинг ёришди
Сенга на мақтову, нишон беришди.
Сенинг ишинг ҳамон пахта теришдир,
Душманлар устингдан кулишди, она.
Пахтазорлар узун, боғларимиз йўқ,
Ҳалинчаклар учган чоғларимиз йўқ,
Самоларни қучган тоғларимиз йўқ,
Энди соғлар ичра отам йўқ, она.
Шеъримни гул қилай босган изингга,
Мусиқа ятатай ҳар бир сўзингга
Худо умр берсин сенинг ўзингга
Уй қуриб яшайин кўзингга, она.

Синглимга

Иккимиз хонада суҳбат қурамиз
Иккимиз... ёлғиз ой, сукунат ҳақда.
Кундузи далада пичан ўрамиз
Гоҳ ойлаб ёдимиз ўғирлар пахта.
Мағрурлик қизларга ярашар деймиз,
Кўп кўзлар бизларга қарашар, деймиз.
Деймиз: биз олтинмиз кумушдан юксак
Гар поклик йўлини умрбод қучсак.

Одина РАҲМОНОВА.

Муносабат

АЛАМЛИ НИГОҲЛАР

...Ўша куни Малик Қаюмов билан бўлган ижодий учрашувдан сўнг Афғонистон ҳақидаги фильмни кўрдик. Ҳаммаси шундан бошланди...

Мана, қўлимда Афғонистонда байналмилал бурчини бажариб, ҳалок бўлганлар рўйхати. Булар орасида ёши ҳали 20 га ҳам тўлмаган тенгдошларим бор. Лекин нега буларнинг исм-фамилияларини мукофотланганлар ёки бирон бир лавозимга сайланганлар орасидан эмас, балки қурбон бўлганлар орасидан ўқишимиз керак? Яна ўйлаб қоламан, менинг кўз ёшларим бирон нарсани ўзгартира оладиган бўлса, фарзандини йўқотган онаизорнинг оҳу-зорию, севгилисидан айрилган ёш жувоннинг кўз ёшлари билан ўша 14 минг совет жангчиси ҳеч нарса бўлмагандек «салом онажон» деб туғилиб ўсган остонасига кулиб кириб келган бўлармиди...

Тўй тайёргарлигини кўраётган онаизор ўғлининг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги бу хабарни эшитиб, қон йиғлайди. Таъзияга келганларнинг кўзларидан ўзини қийнаётган саволларга жавоб излайди. «Нимага, нима учун?» Хаёлида ўғли жавоб беради, беришга ҳаракат қилади: «Аскарлик бурчимни бажардим, онажон йиғламанг!»...

«Аскарлик бурчи»... Биз ҳам оддийгина қилиб «Байналмилал бурчини адо этди» деб қўя қоламиз.

Бир куни комсомолларимизнинг бири олдимга келиб, шундай таклиф киритди:

— «Комсомол прожектори»нинг вазифаси фақатгина камчиликлар ҳақида гапиришми? Ахир бизда ҳам одамлар ҳавас қилса арзигулик ёшларимиз бор-ку!

Викторнинг бу гапи ҳаммамизга қаттиқ таъсир қилди. Уларнинг раҳбари — Алексей Горин билан учрашдим. Биргалашиб жангчилар ҳақида материаллар йиға бошладик. Расмларини олиб, «Байналмилал жангчилар тарихи» деб номланган альбом туздик. Бир куни альбомга уларнинг кўрсатган жасорати, хизматлари ҳақида ёзиб ўтирсам, комсомол қўмитамизга Ю. Колесников кириб келди. Ўзи тўғрисида ёзилган «III группа ногирони» деган сўзларни ўқиб, жиддий:

— Буни қаердан билдинг? — деди-да, жавобимни ҳам кутмасдан ўтирган жойидан туриб кетди. — Мен ногиронлигим ҳақида ҳеч қандай ҳужжат йиғмаганман...

— Жангчилар тўғрисида барча гапни очиқ айтадиган вақт келди. Майли, одамлар билиб олишсин, орамизда қандай ёшлар борлигини. Ҳаммасини ёзамиз. Кечир, Юра, бошқа иложим йўқ...

Лекин Юра мени эшитмасди. Ўғил боланинг кўз ёшларини кўриш оғир бўларкан. Йиғлаб юбормасликка ҳаракат қилиб, секин хонадан чиқиб кетдим...

Бу мақолани бундан бир йил олдин ёзмоқчи бўлган эдим. Лекин ёзмадим. Тўғрироғи, қўрқдим. Чунки бу мавзуда ҳозир кўпчилик ёзаяпти. Лекин баъзи ёзилганлари кимларнидир ранжитмоқда. Сабаб — Афғонистон муаммоларини тушуниб етмаганлар қўлига қалам олаётир. Мен мана шундан қўрқар эдим. Энди эса жим тура олмайман. Ўзи ишлаётган ташкилотда нечта байналмилал жангчи борлигини, уларни қийнаётган муаммолар, яшаш шароити қай аҳволда эканлиги ҳақидаги оддийгина маълумотга эга бўлмаган комсомол ташкилотлари котибларини кўриб, қараб тура олмадим.

Гапларим озгина бўлса ҳам мана шундай ўртоқларга таъсир қилар деган умид билан қўлимга қалам олишга ва ҳаммамизни бепарво бўлмасликка чақирадиган бу мавзу ҳақида ёзишга мажбур бўлдим. «Тенгдошларимизнинг дардини енгиллаштириш учун нима қилаяпмиз?». Тан олиш керакки, кўпчилигимиз бу саволга жавоб бера олмаймиз.

Менга эса Юранинг аламли нигоҳи ҳамон тинчлик бермайди...

Ш. КУДЬЯРОВА,
В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводи «КП» штабининг бошлиғи.



Наманган шаҳридаги «Чаманзор» массивининг янги тўққиз қаватли уйларидан бирида 12 нафар кичкинтой учун боғча очилди.

Ҳа, шундай. Бундай қулайлик шаҳар ижроия қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилди. Уйнинг биринчи қавати 49-болалар боғчаси филиали учун ажратилди. Қўшни хона эса группа тарбиячиси учун берилган.

Айни кунларда шаҳар раҳбарлари аҳолининг мактабгача тарбия муассасаларига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлларини ахтаришмоқда. Бу борада икки йиллик программа тасдиқланди. Унга асосан, 11 мингдан ортиқ ўринга мўлжалланган 61 та мактабгача тарбия муассасаси қуриш кўзда тутилган.

СУРАТДА: бугун боғчамизда Таня билан Ноила навбатчи.

Сураткаш: А. КОВТУН (ЎзТАГ).

Маданият янгиликлари

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФИЙ МАРКАЗИ

МОСКВАДА Ўзбекистон ССР маданий-маърифий марказини ташкил қилиш соҳасидаги тайёргарлик ишларига жумҳуриятимиздаги тобора кўпроқ ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Унинг очилиш кунини яқинлаштириш, юртдошларимиз — Москвада вақтинча яшаётган талабалар ва аспирантлар, ишчилар, илмий ходимлар, ҳарбий хизматчилар ўзларини она юртдан узоқда сезмасликлари учун ҳамма ишлар қилинаяпти.

Ҳозирча марказ жойлашадиган Большая Полянкадаги бинони таъмирлаш ишлари тугаллана-япти, лекин «жумҳуриятимизнинг мамлакат пойтахтидаги бу гўшаси» фаолияти Ўзбекистон ССРнинг доимий ваколатхонасида аллақачон бошлаб юборилди. Жумҳурият «Китобхон» жамияти бу ерга иккита кичик кутубхона юборди. Бадиий адабиёт ва маълумотномалар, фотоальбомлар, санъатга оид нашрлардан иборат бу оғир совғалар юзлаб жилдни ташкил этди. Бу китоблар орасида ўзбек адабиёти классикларининг ва ҳозирги замон ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳам анчагина.

ХАЛҚ МУЗЕЙИ

САМАРҚАНД тинчлик ва бирдамлик жамоатчилик музейига Халқ музейи деган унвон берилди.

Ҳозир ўн мингтадан кўпроқ экспонати бўлган бу музейни бир гуруҳ ғайратли кишилар — ўқитувчилар ва ишчилар, талабалар ва ўқувчилар ташкил этишганди. Музейда 55 мамлакатдан келтирилган ниҳоятда хилма-хил материаллар — китоблар ва плакатлар, газета ва журналлар, пластинкалар, кўкракка тақиладиган нишонлар ва маркалар, видеокассеталар тўпланган. Музей кўплаб жамоат ташкилотлари ва айрим кишилар билан доимий алоқа боғлаб туради.

Кейинги вақтда экспонатлар мажмуига колумбиялик ёзувчи ва шоир Энри Луке Муньоснинг шеърлар китоби қўшилди. Ушбу китоб муаллифнинг кўҳна шаҳарга қилган сафари таассуротлари остида пайдо бўлган. Унга «Улуғбек» деб ном берилиши ҳам тасодифий эмас. Шоирнинг эътирофи этишича, Шарқда яшаган улуғ олимнинг шахси унинг учун юксак маънавийлик ва инсоният даҳосининг рамзига айланган.

Ҳатто мамлакатимиз дипломатик муносабатлар ўрнатмаган давлатлардаги жамоат ташкилотлари билан ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Яқинда музей номига Исроилдан жўнатма келди. Уни «Исроил — Фаластин тинчлиги учун» кенгашининг котиби Адам Келлер юборган эди. Жўнатма ичида Исроил билан Фаластин ўртасидаги можарони бартараф этиш кенгаши фаолияти акс этган плакатлар, китоблар, альбомлар бор эди. Женевадаги жуда катта муаммолар ахборот маркази Самарқанд музейи ҳузурида ўз бўлимини очишни таклиф этди.

ТВ

22 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Тоғ йўллари қўшиқлари». Телефильм. 12.00 «Онажон, онагинам». Ҳужжатли фильм. 12.20 Болалар учун фильмлар. «Хонаки театр», «Сўзсиз шеърият». 13.10 «Оқ кема». Бадиий фильм («Қирғизфильм»).

* * *

17.00 «Шпаргалкаларсиз», «16-кўчма механизациялашган колоннанинг оддий иш кунлари», «Юлдузли он». Кинопрограмма. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Болалар денгизни орзу қилишади». 18.35 «Шеърият дафтаридан». Шавкат Раҳмон. 18.45 «ЎзССР Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади...». 18.55 «Алифбо сабоқлари» 3-кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Халқ қалби». Фильм-концерт («Ўзкинохроника»). 20.10 Партиянинг КПСС XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Деҳқон ва замон». 23.00 «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи». Бадиий фильм («Ленфильм»). 00.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 Спорт программаси. 1. «ДОСААФ — мардлик майдони». 2. Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — «Январка» (Одесса). 21 февралда ёзиб олинади. 20.05 «Огинский полонези». Бадиий фильм («Беларусьфильм»).

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Севгим муқаддимаси». Фильм-концерт («Қирғизтелефильм»). 23.10 «Уйга йўл». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Чувашистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 9.50 «Қуёшли шамол». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-боб — «Уйга қайтиш». 10.55 «Йил фасллари». Февраль. 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 «Гармонь янграётган жойга борамиз». Пятигорскдан кўрсатилади. 16.30 Болалар учун фильм. «Қаердасан, Багира?» (Одесса киностудияси). 17.45 «ТелеЭКО» журнали. 18.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Солдат Орловлар». Ҳужжатли фильм. 18.45 Кичик концерт. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Қуёшли шамол». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-боб — «Оддий иш кунлари». 23.20 «Дастхат». Лореадана Берте куйлайди (Италия). 00.25 «Сен бугун ёлғиз эмассан». «Аноним алкоголлар» Москва жамиятининг фаолияти ҳақида.

● МТ II

17.40 Биатлон. Жаҳон чемпионати. 7,5 км. Яккама-якка пойга. Хотин-қизлар. Раубичидан кўрсатилади. 18.10 Ритмик гимнастика. 18.40 «Сирли саёҳ». Телевизион ҳужжатли фильм. 4-фильм. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биргалашиб қурилган уй». Мультфильм.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 01117.
Д. — 23184.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.